Куч — адолатда

2015 йил
18 декабрь,
жума
№ 49 (562)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2016 йил мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили деб эълон қилинди. Бу халқимизнинг кўнглидаги гап бўлди. Зотан, бола соғлом бўлиши учун аввало она соғлом бўлиши зарур. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, болага эътибор бўлажак онага эътибор қаратишдан бошланиши керак. Чунки ҳомиладор аёлнинг руҳий-физиологик ҳолати, барча ҳис-туйғулари, кайфияти она вужуди орқали болага ўтади.

Юракдан чиққан самимий гап юракка етиб боради, деган нақл бежиз айтилмаган. Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир чиқишида илгари суриладиган фикр-мулоҳазалар халқимиз қалбидан чуқур жой олишининг боиси шунда, деб ўйлайман.

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ – ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ҳам катта ҳаяжон билан тинглар эканман, бугун дунёнинг кўплаб минтақаларида қандай сиёсий қарама-қаршиликлар юз бераётгани хаёлимдан ўтди.

Энг ачинарлиси, сайёрамизда яшайдиган минг-минглаб оилалар бошига мусибат тушаяпти, гўдаклар қони тўкилаётир. БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ маърузасига кўра, 2015 йилда туғилган ҳар саккизинчи бола ихтилофлар ҳудудида дунёга келган. Маърузада таъкидланишича, кўп давлатлардаги ихтилофлар янги туғилган болалар ва уларнинг оналарини мунтазам равишда катта хатарларга дучор бўлишига олиб келмоқда. Оналар фарзандларини тиббиёт ёрдамисиз ва антисанитария шароитларида дунёга келтирмоқдалар. Бундай ҳудудларда туғилган болаларнинг эса 5 ёшгача бўлган даврда вафот этиши эҳтимоли катта экан.

Ёки бўлмаса, бошқа бир умумбашарий муаммога — жаҳон молиявий инқирози манаман деган мамлакатлар иқтисодиётини издан чиқариб, танг аҳволга солиб қўяётганига эътибор қаратайлик. Ахир, ана шундай вазиятда юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, ободлик ҳамда фаровонликнинг қадрини англамаслик, бу билан фахрланмаслик мумкинми?!

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Ёш авлодни руҳан тетик, жисмонан бакувват, мустақил фикрлай оладиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билимли ва замонавий дунёқарашга эга, мамлакат тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни шакллантириш бўйича стратегик механизм йўлга қўйилган.

Ўзбекистонда бола ҳуқуқларига оид бешта халқаро конвенция ратификация қилинган, ўндан ортиқ қонун қабул қилинган. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясида назарда тутилган мақсад ва вазифалар ҳаётга изчил жорий этилмоқда. Конституциямиз ҳамда "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун асосида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари тўлиқ таъминланмоқда.

Юртимизда ота-она меҳридан маҳрум ва имконияти чекланган болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва мактабгача тарбия муассасаларининг моддий-техника базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўқув-тарбия жараёнини тубдан такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётир.

Ўз навбатида, нуфузли халқаро ташкилотлар ва хорижий экспертлар Ўзбекистонда ёш авлодни тарбиялаш, шу жумладан, алоҳида эҳтиёжли болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва жамиятга интеграциялашувини таъминлаш, уларга ҳар томонлама тиббий-ижтимоий кўмак кўрсатиш, ижодий қобилиятини юзага чиқаришга кўмаклашиш борасидаги ишларни юксак баҳоламоқда.

Бундай эътирофлар, ҳеч шубҳасиз, Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида қонун устуворлигини таъминлаш, кучли демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш, юрт тинчлигини асраш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш йўлида амалга оширилган кенг кўламли ишлар самарасидир. Бунга осонликча, ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта.

Шу халқнинг бир вакиласи сифатида ҳар тонгни тинч ва осойишта кутиб олаётганим учун беҳад шукроналар айтсам, инсон ва унинг шаъни улуғланган, меҳнати қадрланган юртда яшаётганимдан қалбимда чексиз фахр-ифтихор ҳиссини туяман.

(Давоми тўртинчи бетда)

Кейинги йилларда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жадаллик билан кириб келган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кундан-кун ривожланиб бормоқда. Ҳозирги вақтда ўн миллиондан ортиқ юртдошларимиз доимий равишда интернет тармоғидан фойдаланади.

Yangi qonun mohiyati

Электрон ҳукумат: қонуний асос яратилди

Бунда, ҳеч шубҳасиз, мустақилликнинг ўтган даврида аҳоли фаровонлигини янада ошириш, мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили сифатида алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологияларини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгилаб олингани муҳим аҳамиятга эгадир.

Айниқса, юртимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини тартибга солишга хизмат қиладиган ҳуқуқий асослар яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, бугунги кунда "Телекоммуникациялар тўғрисида", "Ахборотлаштириш тўғрисида", "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида", "Электрон рақамли имзо тўғрисида", "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари соҳанинг ҳуқуқий асоси сифатида хизмат қилмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантиришда замонавий технологияларни жорий этишнинг ҳолати ва истиқболлари депутатлар эътиборида

Жорий йилнинг 17 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирига "Ўзбекистонда сувни тежовчи технологиялардан фойдаланиш ҳолати ва унинг самарадорлигини ошириш истиқболлари, қишлоқ хўжалиги корхоналарида замонавий техника ва технологияларни жорий этиш тўғрисида"ги масала юзасидан "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси ташаббуси билан юборилган парламент сўрови бўйича ахборотни эшитди.

Тадбирда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва муассасаларнинг вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Қонунчилик палатаси томонидан қишлоқ ва сув хўжалиги вазирига юборилган парламент сўровида "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунда белгиланган сувни тежовчи технологияларни ва илғор суғориш техникасини жорий этиш орқали суғориш воситалари ва ускуналарини такомиллаштиришга қаратилган нормаларнинг вазирлик томонидан бажарилиш ҳолати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги "2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг амалдаги ижроси, шунингдек, мамлакатимизда сувни тежовчи технологиялардан самарали фойдаланиш ҳамда уларни жорий этишни жадаллаштириш мақсадида амалдаги меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот берилиши сўралган эди.

(Давоми учинчи бетда)

Истиқлол йилларида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида кенг кўламли ва самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Islohot va samara

Фаолиятнинг тизимли таҳлили

одил судлов самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади

Айтиш керакки, суд-ҳуқуқ тизимидаги кенг қамровли ўзгариш ва янгиланишлар судларнинг мустақиллигини амалда таъминлаш, одил судлов самарадорлигини янада ошириш, судларнинг инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ўрни ва ролини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2013 йил 4 октябрда қабул қилинган "Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Фармонга мувофиқ, Олий суднинг Суд амалиётини умумлаштириш бўлими негизида Ахборот-таҳлил бўлими ташкил этилди. Ушбу бўлим зиммасига судлар фаолиятини тизимли тарзда ўрганиш, умумий юрисдикция судларидаги судлов ишларининг аҳволи тўғрисида маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми, Раёсати муҳокамасига киритиб бориш вазифаси юклатилди.

Ҳозирда ана шу вазифа қандай бажарилаяпти, деган савол туғилиши табиий. Ахборот-таҳлил бўлими томонидан умумий юрисдикция судларида жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида амалга оширилган ишларнинг таҳлили билан боғлиқ қуйидаги далил ва рақамлар, ўйлаймизки, бу саволга жавоб бўлади.

Авваламбор, судлар томонидан ўтган даврда мамлакатимизда қонун устуворлиги, ижтимоий адолат, фуқароларнинг тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга, одил судловнинг сифат ва самарадорлигини оширишга, суд-ҳуқуқ ислоҳоти доирасида қабул қилинган қонунларни амалга самарали татбиқ этишга қаратилган муайян ишлар амалга оширилди.

(Давоми учинчи бетда)

Bag`rikenglik tamoyillari

Кечиримлилик – халқимизга хос азалий қадрият

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар пухта ўйланган ҳолда изчил ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнда инсон омилига эътибор — олий қадрият сифатида намоён бўлиб, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, мустақилликнинг дастлабки йилларидан жамият ва давлат ҳаётининг муҳим саналари муносабати билан амнистия актларини қабул қилиш эзгу анъанага айланди. 1991 йилдан 2004 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан амнистия тўғрисида фармонлар қабул қилинган бўлса, 2005 йилдан буён Президентимиз тақдимномасига асосан Олий Мажлис Сенати томонидан амнистия тўғрисида қарорлар қабул қилинмоқда.

Амнистия — жиноят содир этган шахсларга нисбатан давлат томонидан кўрсатиладиган кечиримлилик ва бағрикенгликнинг юксак намунасидир. Бу тушунчанинг луғавий маъноси кечириш, гуноҳидан ўтиш маъносини англатади. Бошқача айтганда, амнистия жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш ҳисобланади.

Бу ўринда, адашиб жиноят кўчасига кириб қолган шахсларнинг гуноҳидан ўтиш орқали уларга имконият бериш, қолаверса, маҳалласи, оиласи ва фарзандлари бағрига қайтариш аксарият ҳолларда ижобий самара бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Президентимиз тақдимномасига асосан Олий Мажлис Сенати томонидан 2015 йил 3 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарор давлатимизнинг ушбу йўналишда олиб бораётган оқилона сиёсатининг навбатдаги амалий тасдиғи бўлди.

(Давоми иккинчи бетда)

Saboq

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари – доимий ҳимояда

Бугунги кунда хусусий мулк, кичик бизнес эгалари, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Айниқса, Президентимизнинг 2015 йил 15 майда қабул қилинган "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бунда дастуриламал бўлмоқда.

Бу ҳақда фикр юритганда, мазкур Фармон ижроси доирасида тадбиркорлик субъектларида ўтказилаётган текширишлар доимий назоратга олиниб, ушбу субъектларда ўтказилиши керак бўлган текширишларни янада қисқартириш чоралари кўрилмоқда.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарори билан 2016 йилда тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган текширишлар режа-жадвали ишлаб чиқилгани бунинг яққол тасдиғидир. Унда 2016 йилда тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган текширишлар 2015 йилга нисбатан 10 фоизга қисқартирилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Айтинг-чи, суд томонидан жазо тайинлаш вақтида дастлабки қамоқ вақти неча кунга тенглаштириб ҳисобланади?

Усмон АБРОРОВ,
Сирдарё вилояти,
Оқолтин тумани

— Амалдаги Жиноят кодексининг 62-моддасида дастлабки қамоқ вақтини ҳисобга олиш қоидалари кўрсатилган. Унга асосан, суд жазо тайинлаш вақтида дастлабки қамоқнинг ҳар бир кунини: а) қамоқ, озодликни чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш ва озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига; б) ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклашнинг уч кунига тенглаштириб ҳисоблайди.

Шунингдек, суд қамоқда сақланган шахсга жарима тайинлашда қамоқда сақланган ҳар бир кунини энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисмига тенглаштириб ҳисоблайди.

Агар шахс ҳақ эвазига пора олиш-беришда воситачилик қилган бўлса, қонунда унга нисбатан қандай жазо белгиланган?

Жаббор ҚАҲРАМОНОВ,
Қашқадарё вилояти,
Деҳқонобод тумани

— Жиноят кодексининг 212-моддаси учинчи қисми талабига биноан, пора олиш-беришда воситачилик қилиш: а) ҳақ эвазига; б) жуда кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида; в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса — ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Мазкур модданинг тўртинчи қисмига кўра, башарти, пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс жиноий ҳаракатларни содир этганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади.

Агар кимнингдир ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган бўлса-ю, буни кўриб турган киши унга ёрдам қўлини чўзмаса, бундай шахс жавобгаликка тортилиши мумкинми?

Муҳиддин ОБИДОВ,
Жиззах вилояти,
Бахмал тумани

— Амалдаги қонунчилигимизга биноан, ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, башарти, айбдор бундай аҳволдаги шахсга ёрдам бериши шарт ва бундай имкониятга эга бўлса ёхуд айбдорнинг ўзи жабрланувчини хавфли аҳволга солиб қўйган ва бу ҳол баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига олиб келса — икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмиш одам ўлимига сабаб бўлса — олти ойгача қамоқ ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) одамлар ўлимига;

б) бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, — уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Мазкур норма Жиноят кодексининг 117-моддасида қайд этилганлигини эслатиб ўтамиз.

Айтинг-чи, озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган шахслар интернетдан фойдаланиши мумкинми?

Соҳиба ШОКИРОВА,
Тошкент вилояти,
Зангиота тумани



— Озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат.

Жиноят кодексининг 481-моддасига кўра, қўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, суд маҳкумнинг зиммасига: муайян жойларга бормаслик; оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик; муайян фаолият билан шуғулланмаслик; муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик; транспорт воситасини бошқармаслик; маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик; муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик; алоқа воситаларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланмаслик; алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик каби қўшимча тақиқларни (чеклашларни) юклаши мумкин.

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган шахс томонидан афв этиш тўғрисида илтимоснома қачон берилади?

Ҳулкар САЛИМЖОНОВА,
Хоразм вилояти,
Боғот тумани

— Жиноят процессуал кодексининг 140-моддаси иккинчи қисмига асосан, афв этиш тўғрисидаги илтимоснома умрбод озодликдан маҳрум қилинган шахс томонидан у тайинланган жазонинг йигирма беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин.

Саволларга жиноят ишлари бўйича Касби тумани судининг раиси Фазлиддин НОРОВ жавоб берди.

Bag`rikenglik tamoyillari

Кечиримлилик – халқимизга хос азалий қадрият

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мазкур амнистия тўғрисидаги қарор ўн банддан иборат бўлиб, унда жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш назарда тутилган. Қарор талаби бўйича, биринчи навбатда аёллар; жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар; 60 ёшдан ошган эркаклар, чет давлат фуқаролари; биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ва мазкур қонун ҳужжатида назарда тутилган касалликка чалинган шахслар жазодан озод қилинади.

Бошқача айтганда, ёшидан ва фуқароликка мансублигидан қатъи назар аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар ва 1955 йил 4 декабрга қадар туғилган эркаклар, чет давлатлар фуқаролари, амнистия тўғрисидаги қарор кучга киргунга қадар, яъни 2015 йил 4 декабргача қонунда белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногирони деб топилган шахслар, шунингдек, амнистия тўғрисидаги қарор кучга киргунга қадар бир йил ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликларга чалинган, деб топилган шахслар жазодан озод қилиниши назарда тутилмоқда.

Фуқароликка мансублик миллий паспорт ва бошқа ҳужжатлар бўйича, шу жумладан, тегишли давлатлар элчихоналари ёхуд консуллик муассасаларининг расмий тасдиқловчи ҳужжатлари бўйича аниқланади. Амнистия қарори таъсир доирасига тушадиган шахсларнинг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган ҳолларда, уларнинг фуқаролигини аниқлашда доимий яшайдиган мамлакатларининг амалдаги қонун ҳужжатларига таянилади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, чет давлатларнинг фуқаролари амнистия қарори билан жиноий жавобгарлик ёки жазодан озод қилингач, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги "Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида"ги қарорида белгиланган тартибда Ўзбекистондан чиқариб юборилади.

Амнистия тўғрисидаги қарорнинг 2-бандида, тайинланган жазо тури ва миқдоридан қатъи назар, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни қасддан содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилиниши белгиланган.

Қарорнинг 3-бандига асосан, содир этилган жиноятнинг оғирлик даражаси ва тайинланган жазо миқдоридан қатъи назар, озодликдан маҳрум қилиниб, амнистия тўғрисидаги қарор эълон қилинган кунга қадар озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташ учун амалда икки йилу олти ойдан кўп бўлмаган муддати қолган маҳкумлар жазодан озод қилинади.

Ўз навбатида, қарорнинг 4-бандига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг оғирлик даражаси ва тайинланган жазо миқдоридан қатъи назар, озодликдан маҳрум қилиниб, амнистия тўғрисидаги қарор эълон қилинган кунда озодликдан маҳрум этиш жазосини ҳақиқатда ўташнинг уч йил-у олти ойдан кам бўлган муддати қолган маҳкумлар манзил-колонияларга ўтказилади.

Амнистия тўғрисидаги қарорнинг 5-банди эса, Жиноят кодексининг 68-моддасидаги асослар бўйича қўлланилади. Хусусан, жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилинганда, ушбу қарорнинг 1-бандида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятларга оид терговга қадар текширув материаллари ҳамда жиноят ишлари қарорнинг 6-бандида белгиланган истисноларни ҳисобга олган ҳолда тугатилади.

Қарорнинг олтинчи бандида амнистия қарори татбиқ этилмайдиган шахслар тоифаси алоҳида кўрсатилган. Ушбу банднинг "а" кичик бандига мувофиқ, узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахсларга; ўта хавфли рецидивист деб топилган шахсларга; тақиқланган ташкилотлар фаолиятида иштирок этган, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этган шахсларга; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этганларга; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; муқаддам афв этилган ёки амнистия тартибида жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга; шунингдек, ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога алмаштирилган шахсларга нисбатан амнистия акти қўлланилмайди.

Бундан ташқари қарорнинг олтинчи банди "б" кичик бандига асосан, қасддан баданга оғир шикаст етказиш жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган ҳолларда (Жиноят кодексининг 104-моддаси учинчи қисми "д" банди), шунингдек, ўта оғир жиноят содир этган шахсларга; "в" кичик бандига мувофиқ, Жиноят кодексининг 97-моддасида ва 104-моддаси учинчи қисми "д" бандида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахсларга; "г" кичик бандига мувофиқ Жиноят кодексининг 167, 168-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этиб, етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга нисбатан ҳам амнистия қўлланилмаслигини айтиб ўтиш лозим.

Қарор талабига кўра, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахслар деганда, жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти томонидан қўлланилиб, амнистия тўғрисидаги қарор эълон қилинган кунга қадар тугалланмаган ва олиб ташланмаган иккита ва ундан ортиқ интизомий жазоси бўлган маҳкумлар; ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахслар; шартли ҳукм қилиниб, ҳукм билан тайинланган жазони ўташ учун юборилган маҳкумлар; манзил-колониялардан тегишли тартибли колонияларга ўтказилган ёки қайтарилган маҳкумлар; жазони ўташ вақтида, ҳукм ижроси кечиктирилган даврда ёки синов муддатида қасддан жиноят содир этган шахслар тушунилади.

Бунда шуни эътиборга олиш керакки, ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахслар; шартли ҳукм қилиниб, ҳукм билан тайинланган жазони ўташ учун юборилган маҳкумлар ҳамда манзил-колониялардан тегишли тартибли колонияларга ўтказилган ёки қайтарилган маҳкумлар ҳибсга олинган кундан эътиборан бир йилдан кам муддат ўтган бўлсагина, жазо ўташ тартибини мунтазам бузувчилар ҳисобланади.

Муқаддам афв этилган ёки амнистия тартибида жиноий жавобгарликдан ёхуд жазодан озод қилинган шахслар деганда, Президент фармонлари ёхуд Олий Мажлис Сенатининг қарорлари асосида судланганлик ҳолати тугалланган ёки олиб ташланганлигидан қатъи назар, суд томонидан тайинланган жазони ўташдан озод қилинганлар, суд ҳукми чиқарилмаган ҳолда жиноий жавобгарликдан озод қилинганлар тушунилади.

Мазкур амнистия қарори кучга киргунга қадар, яъни 2015 йил 4 декабрь санасигача жиноят содир этган ва Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларга, улар жазони қаерда ўтаётганидан қатъи назар қўлланилади.

Асосий жазодан озод этилган маҳкумлар қўшимча жазодан озод қилинмайди. Амнистияни қўллаш тўғрисидаги қарор ҳар бир шахсга нисбатан алоҳида қабул қилинади. Зарур маълумотлар бўлмаган тақдирда, амнистияни қўллаш масаласини кўриб чиқиш қўшимча материаллар олингунга қадар, лекин икки ойдан кўп бўлмаган муддатга кечиктириб турилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, амнистия тўғрисидаги қарор матбуотда эълон қилинган кундан ("Халқ сўзи" газетаси, 2015 йил 4 декабрь) эътиборан кучга кирди ва унинг ижроси уч ой мобайнида таъминланади.

Бинобарин, уч ойлик муддат судларга алоҳида масъулият юклашини айтиб ўтмоқчимиз. Чунки судлар барча инстанцияларда ўзларининг иш юритувида қайси шахсларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар ва материаллар бўлса, шу шахсларга нисбатан; ҳукм қонуний кучга кирган, бироқ ижро этилмаган, қамоқда сақланмаётган шахсларга нисбатан; жиноятлари ҳақидаги ишлар ва материаллар тергов ва суриштирув органлари иш юритувида бўлган шахсларга нисбатан прокурорнинг илтимосномасига кўра; жазони ўтаётган маҳкумларга нисбатан — жазони ижро этиш муассасаси ёхуд органининг бошлиғи (ҳарбий хизматчиларга нисбатан ҳарбий қисм ёки интизомий қисм командири) томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида прокурорнинг илтимосномасига кўра, амнистия тўғрисидаги қарорни қўллаш ёки уни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, амнистия тўғрисидаги қарорни қўллаш даврида жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва очиқ-ошкоралиқни таъминлаш мақсадида сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг минтақавий вакилларидан иборат ишчи гуруҳларини тузиш ва бу жараёнга уларнинг бевосита иштирокини таъминлаш вазифаси қўйилган.

Мухтасар айтганда, Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган мазкур амнистия қарорининг таъсир доирасига тушадиган ҳар бир шахс бу мурувват ва бағрикенгликни авваламбор, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топиб олиши учун берилаётган имконият сифатида қабул қилиши айни муддаодир.

Исматулла МАМАНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Тошкент вилояти
судининг судьяси

Maslahat

Турар жойни ижарага бериш

қандай тартибда амалга оширилади?

Амалдаги Уй-жой кодексининг 25-моддасида фуқаролар ва юридик шахсларга тегишли уйлар, квартиралардаги турар жойларни ижарага, арендага бериш ҳақида сўз юритилган.

Унга кўра, уй, квартира мулкдори ўзи билан бирга яшаётган вояга етган оила аъзоларининг розилиги билан ёки юридик шахснинг ваколатли органи қарорига биноан уйни, квартирани ёхуд уларнинг бир қисмини фуқароларга ва юридик шахсларга ижарага ёки арендага беришга ҳақлидир.

Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ижара ёки аренда шартномаси тузилаётган муддат, тўлов ҳақи миқдори ва бошқа шартлар, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, тарафларнинг келишувига биноан белгиланади.

Турар жой ижараси ёки арендаси шартномасига ёзма шаклда тузилади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобга олиниши (рўйхатдан ўтказилиши) лозим.

Турар жой ижараси ёки арендаси шартномасига нисбатан ушбу Кодекс қоидалари қўлланилади. Турар жой ижараси ёки арендаси шартномасининг ушбу Кодекс билан тартибга солинмаган муносабатлари фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Комилжон МАҲМУДОВ,
Олий суд катта консультанти

Saboq

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Текширишлар режа-жадвали "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун талабларига қатъий риоя этилган ҳолда ишлаб чиқилди.

Мазкур қонунга асосан назорат қилувчи органлар томонидан барча режали текширишлар кичик тадбиркорлик субъектларида кўпи билан 4 йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларида кўпи билан 3 йилда бир марта ўтказилиши белгиланган.

Бинобарин, қонун талаби қатъий. Бу талабни лозим даражада бажармаслик ёки ундан четга чиқишнинг оқибатлари аниқ, яъни қонунбузарлик ва жиноятга жазо муқаррардир. Қуйидаги мисол ҳам фикримизга далил бўла олади.

Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси Қашқадарё вилоят бўлимининг шу йил 29 майдаги буйруғи билан бўлим ходимлари Ш.Холёров, У.Бекназаров ва И.Шерматов Ғузор туманидаги "Фарзанабону юлдузи" савдо комплекси ҳудудида ноқонуний савдо фаолияти билан шуғулланаётганларни аниқлаш мақсадида хизмат сафарига юборилади. Текширувчилар савдо комплексида туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида 2013 йил 22 январда рўйхатдан ўтиб, якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома асосида фаолият юритаётган Зарина Салаевага тегишли дўконга кирадилар.

Дўконда текшириш ўтказиш учун Ғузор туманида яшовчи Улуғбек исмли шахсга савдо дўконида қилган 14 минг сўмлик хариди учун чек берилмаганлиги асос қилиб олинади. Бу пайтда дўконда З.Салаеванинг ўғли Баҳриддин Эгамбердиев савдо қилаётганди.

Бўлим ходимлари Баҳриддинни тегишли буйруқ ва ҳужжатлар билан таништиради. Шунингдек, харид чеки бермагани учун Б. Эгамбердиевдан тушунтириш хати олинади. Холислар иштирокида дўконда харид чеки берилмагани юзасидан далолатнома расмийлаштирилади.

Текшириш жараёнида бўлим ходимлари томонидан саккиз турдаги гилам, жами нархи 14 миллион 900 минг сўмлик 56 та товар баённома тузиш йўли билан далилий ашё сифатида олинади.

Айтиш керакки, текширувчилар томонидан Б.Эгамбердиевга 2015 йил 30 июнь санаси билан ўтказилган солиқ текшируви натижалари бўйича талабнома юборилади. Ушбу талабномада қатъий белгиланган солиқнинг йиллик суммаси 4 миллион 262 минг 400 сўм миқдорида кўрсатилиб, уни тўлаш зарурлиги баён этилганди.

Вилоят адлия бошқармаси тадбиркор З.Салаева ва унинг ўғли Б.Эгамбердиев манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судига даъво аризаси киритди. Даъво аризасида бўлим ходимлари томонидан ноқонуний равишда расмийлаштирилган далолатномалар ва 2015 йил 30 июндаги қатъий белгиланган солиқнинг йиллик суммасини тўлаш тўғрисидаги талабномани бекор қилиш, жавобгардан етказилган моддий зарар, яъни 14 миллион 900 минг сўмлик — саккиз турдаги 56 та гиламни ёки уларнинг сўмдаги қийматини қайтариш сўралган.

Шунингдек, даъво аризасида жавобгардан даъвогарлар фойдасига маънавий зарар ундириш ҳам қайд этилганди.

Шу ўринда даъво важларига тўхталадиган бўлсак, аввало бўлим ходимлари томонидан савдо дўконида мавжуд бўлган назорат-касса машинаси кўздан кечирилмаганини таъкидлаш лозим. Кунлик тушум тўғрисида олинган маълумот эса, ҳақиқий ҳолатга таққослаб кўрилмаган. Бундан ташқари дўконда 14 минг сўмлик товар маҳсулотлари харид қилган харидорнинг шахси аниқланмаган ва ундан ушбу ҳолат юзасидан тушунтириш олинмаган. Тузилган далолатномада харидорнинг иштироки таъминланмаган.

Yangi qonun mohiyati

Электрон ҳукумат: қонуний асос яратилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шунингдек, ҳукуматимиз томонидан жамиятнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш, интерактив хизматлар орқали истеъмолчилар ҳуқуқларини таъминлаш, бу соҳадаги жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат органларининг фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий шартларини мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Жумладан, давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида", "Электрон харидлар тизимини мақбуллаштириш ва улардан тадбиркорлик субъектларининг фойдаланишини кенгайтириш тўғрисида"ги қарорлар шулар жумласига киради. Шу билан бирга, бу борада Вазирлар Маҳкамасининг "Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида", "Давлат ва корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ҳам юқоридаги фикримизга далил бўла олади.

Ушбу қонунлар ва қонуности ҳужжатларида белгиланган талабларнинг жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига кенг жалб қилиниши натижасида, интернет тармоғида ҳозирги кунда 250 дан ортиқ интерактив давлат хизматларини ўз ичига олган Ягона портал яратилди. Ҳозиргача ушбу портал орқали интерактив хизматлар олиш учун 350 мингдан ортиқ аризалар келиб тушган.

Аҳолининг давлат интерактив хизматларига бўлган эҳтиёжлари ортиб бориши натижасида кундалик ҳаётимизга кириб келаётган электрон ҳукумат тизимини қонуний жиҳатдан таъминлаш, унинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини шакллантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда аҳолига ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган давлат хизматларининг сифати ва таъсирчанлигини ошириш долзарб аҳамият касб этди. Шу мақсадда парламентимиз томонидан жорий йил 3 декабрда "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Янги қонун расман эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач, кучга кириши белгиланди. Бу қонун Президентимизнинг 2014 йил 25 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритиладиган тузатишларни амалга ошириш бўйича қонун ишлари дастури тўғрисида"ги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонунда, биринчидан, давлат органларининг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда фаолият кўрсатиши билан боғлиқ асосий тушунчаларга таъриф берилган. Жумладан, электрон ҳукумат — давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолияти амалга оширилишини таъминлайдиган ташкилий чора-тадбирлар ва техник воситалар мажмуи экани белгиланган.

Иккинчидан, қонунда электрон ҳукуматнинг асосий вазифалари қаторида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда давлат бошқаруви тизимида "бир дарча" принципини жорий этиш, ариза берувчилар учун мамлакатнинг бутун ҳудудида давлат органлари билан ўзаро муносабатларни электрон ҳукумат доирасида амалга ошириш бўйича имкониятлар яратиш, тадбиркорлик субъектларининг электрон тижорат тизимларидан фойдаланишини кенгайтириш, шунингдек, коммунал хизматларни ҳисобга олиш, назорат қилиш ва улар учун ҳақ тўлашнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш ва бошқалар қайд этиб ўтилган.

Учинчидан, қонунда электрон ҳукуматнинг асосий принциплари белгилаб қўйилган. Хусусан, давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатишни "бир дарча" принципи асосида амалга оширади. Яъни электрон давлат хизматлари кўрсатувчи орган электрон давлат хизмати кўрсатиш учун электрон давлат хизматлари кўрсатувчи бошқа органларда мавжуд бўлган ҳужжат ва маълумотларни олиши талаб этиладиган ҳолларда ушбу ҳужжат ва маълумотларни мустақил равишда, ариза берувчининг иштирокисиз идораларо электрон ҳамкорлик қилиш воситасида олиши қонунда белгилаб қўйилди.

Тўртинчидан, қонунда Вазирлар Маҳкамасининг, махсус ваколатли давлат органининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа давлат органларининг электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатлари ва уни ривожлантиришда иштирок этишининг ҳуқуқий асоси белгилаб берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатли орган сифатида белгиланиб, унинг ваколатлари доираси қонунда кўрсатиб ўтилди.

Бешинчидан, қонунга мувофиқ, электрон давлат хизматларининг турлари ахборот ва интерактив давлат хизматлари тарзида бўлиши мумкин. Қонунда бу борада белгилаб берилган талабларга кўра, ахборот давлат хизматлари тўлиқ ва ишончли ахборотни ўз ичига олиши керак. Интерактив давлат хизматлари эса, электрон давлат хизматларининг тасдиқланган регламенти асосида кўрсатилиши, электрон давлат хизматларининг ягона реестрида рўйхатдан ўтказилган бўлиши каби бошқа бир қатор талабларга жавоб бериши лозим.

Шу билан бирга, қонуннинг алоҳида моддалари асосида электрон давлат хизмати кўрсатувчи органга юборилган электрон шаклдаги сўров ва унга берилган электрон шаклдаги жавоб қоғоз шаклида юборилган сўров ва жавобга тенглаштирилганини қайд этиш лозим.

Олтинчидан, қонунда Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва давлат органларининг расмий веб-сайтлари электрон ҳукумат инфратузилмасининг бир бўғини сифатида кўрсатиб ўтилган. Электрон давлат хизматлари ариза берувчиларга давлат органларининг расмий веб-сайтлари ҳамда давлат органлари томонидан кўрсатиладиган интерактив давлат хизматларидан фойдаланишнинг ягона нуқтаси бўлган Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатилади.

Еттинчидан, "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонунда давлатнинг электрон ҳукумат соҳасидаги тартибга солиш функциялари кўрсатиб ўтилиши билан бирга, жисмоний ва юридик шахсларнинг электрон давлат хизматларини олиш чоғидаги ҳуқуқлари ҳам белгилаб берилган.

Яъни ариза берувчилар электрон давлат хизматларини ўз вақтида ва электрон давлат хизматларининг тасдиқланган регламентларига мувофиқ олиш; электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш; электрон давлат хизматлари кўрсатувчи органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсуниш тартибида юқори турувчи органларга ёки мансабдор шахсларга ёхуд судга белгиланган тартибда шикоят қилиш; электрон давлат хизматлари кўрсатиш сифатини баҳолашда иштирок этиш; электрон давлат хизматларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш ва қонунга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Шу ўринда ушбу қонунни ишлаб чиқиш жараёнида бир қатор ривожланган хорижий мамлакатларнинг электрон ҳукумат соҳасидаги қонун ҳужжатлари таҳлили ўтказилиб, улар томонидан эришилаётган ижобий натижалардан фойдаланилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, таҳлил давомида АҚШ, Германия, Австрия ва бошқа ривожланган мамлакатларнинг электрон ҳукуматни тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатлари атрофлича ўрганиб чиқилди.

Хулоса қилиб айтганда, "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши, ҳеч шубҳасиз, давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга, аҳоли ва тадбиркорлик субектлари ўртасида катта талабга эга бўлган электрон давлат хизматлари тақдим этилишини яхшилашга, жамият ҳаётининг турли соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтиришга, қабул қилинаётган қарорларнинг тезкорлиги ва сифатини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, янги қонун Бош Қомусимизда белгилаб берилган фуқароларнинг ахборот излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқларини янада мустаҳкамлайди.

Сардор АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Islohot va samara

Фаолиятнинг тизимли таҳлили

одил судлов самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу ўринда аниқ рақамларга тўхталадиган бўлсак, 2015 йилнинг 9 ойи давомида фуқаролик ишлари бўйича республика судларининг иш юритувига 223 минг 70 та фуқаролик иши келиб тушган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 33 минг 911 тага ёки 17,9 фоизга ортган.

Шундан 195 минг 270 та фуқаролик иши судлар томонидан кўриб чиқилган. Кўриб тамомланган ишлар салмоғи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30 минг 815 тага ёки 18,7 фоиз кўп демакдир.

Юқорида таъкидланганидек, 195 минг 270 та фуқаролик ишининг 1 минг 725 таси (яъни 0,9 фоизи) вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан, 193 минг 545 таси ёки 99,1 фоизи эса, туманлараро, туман (шаҳар) судлари томонидан кўриб чиқилган.

Албатта, бу кўрсаткичлар халқимизнинг ҳуқуқий онги юксалаётгани, бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини суд тартибида тиклаш кўникмаси мустаҳкамланиб бораётганлигидан далолат беради.

Таҳлилларга кўра, ҳисобот даврида, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, ишга тиклашга оид низолар — 40,8 фоиз, иш ҳақини ундириш билан боғлиқ ишлар — 33,2 фоиз, меҳнат вазифасини бажаришда ходимлар томонидан келтирилган мулкий зарарни ундириш билан боғлиқ ишлар — 30,5 фоиз, нотариал, ФҲДЁ органининг муайян ҳаракатни бажаришни рад этганлиги ёки нотўғри бажарганлиги устидан берилган шикоятларга доир низолар 22,8 фоиз, турар жойдан кўчиришга доир ишлар — 15,2 фоиз, битимлар билан боғлиқ низоларга доир ишлар — 11,0 фоиз, қарз ва кредит шартномалари билан боғлиқ низолар — 9 фоизга ўсган.

Шунингдек, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар ўрнини қоплашга доир ишлар — 22,9 фоиз, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузилиши билан боғлиқ низолар — 22,6 фоиз, мулкни рўхатдан чиқариш билан боғлиқ ишлар — 22,5 фоиз, боланинг таъминоти учун алимент ундиришга доир ишлар — 19,7 фоизга камайган.

Бу, ўз навбатида, аҳоли ўртасида бурч ва масъулият ҳиссини англаш ва уни ўз вақтида адо этишдек олижаноб фазилатлар мустаҳкам қарор топиб, шартнома қонунчилигига риоя этишга жиддий аҳамият қаратилаётганидан далолат беради.

Шунингдек, судлар томонидан ўтган даврда бир қатор профилактика тадбирлари ва тарғибот ишлари амалга оширилган. Жумладан, 1 минг 989 та хусусий ажрим чиқарилган, 333 та умумлаштириш ўтказилган, 173 та тақдимнома киритилган.

Шу ўринда суд қарорининг алоҳида тури ҳисобланган хусусий ажримлар ҳақида ҳам тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, кўриб чиқилаётган иш бўйича суд жараёнида аниқланган қонунбузилишлар юзасидан хусусий ажрим чиқарилади ва бу ажрим тегишли орган ёки мансабдор шахсларга юборилади.

Улар эса, хусусий ажрим келиб тушган кундан бошлаб бир ой муддат ичида мазкур қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш юзасидан кўрилган чоралар хусусида судга хабар юборишлари шарт. Хусусий ажримлар сонининг ортиб бораётгани, ўз-ўзидан, судлар қонунбузилишларга барҳам бериш борасида ҳам сезиларли ишларни амалга ошираётганини англатади.

Албатта, одил судлов самарадорлигини таъминлашда тарғибот ишлари ҳам муҳим ўрин тутади. Бунда суд тизими ходимлари олиб бораётган тарғибот ишлари бирмунча салмоқли эканини қайд этиш лозим. Чунончи, аҳоли ўртасида 1 минг 585 марта маъруза, суҳбат ва учрашувлар ўтказилган, радио ва телевидениеда 236 марта чиқишлар қилинган, босма нашрларда 279 та мақола чоп этилган, 5 минг 221 та сайёр суд мажлиси ўтказилган.

Шу даврда жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 41 мингдан ортиқ жиноят иши кўриб чиқилган.

Маълумки, ҳар қандай жиноят кишилар соғлиги ва ҳаётига, жамият ва давлат манфаатларига жиддий хавф солади. Шунинг учун жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга доир ишлар кўламини кенгайтириш, бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш зарур.

Эътиборли жиҳати шундаки, ўтган даврда порахўрлик, номусга тегиш ва гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар бўйича судланганлик сезиларли даражада камайган. Демак, бундай тоифадаги жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Айниқса, 2014 йил 14 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", 2015 йил 20 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда порахўрликка оид жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, бу борада судлар томонидан бир қатор профилактика ва тарғибот ишлари ўтказилиб, 15 минг 630 та хусусий ажрим чиқарилган, 883 та умумлаштириш ўтказилган ва уларнинг якунлари юзасидан 585 та тақдимнома киритилган.

Бу борада аҳоли ва ўқув муассасаларида 6 минг 697 марта маъруза, суҳбат ва учрашувлар ўтказилгани, радио ва телевидениеда 795 марта чиқиш қилингани, босма нашрларда 1 минг 173 та мақолалар чоп этилгани, 6 минг 580 та сайёр суд мажлиси ўтказилгани ҳам муайян маънода ўзининг ижобий самарасини берган, албатта.

Ҳеч шубҳасиз, судлар фаолиятини тизимли таҳлил қилиб бориш йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш ва келгусида уларни такрорламаслик юзасидан зарурий чораларни кўриш, энг муҳими, одил судлов самарадорлигини янада ошириш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, истиқлолнинг дастлабки давридаёқ халқимиз танлаган демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш ғояси замирида ҳам айни шу мақсадлар мужассам. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳеч кимга сир эмас, фақатгина ҳуқуқий давлат шароитида демократик тартибга эришилади ва шундай тартиб сақланади, демократик институтлар ва қадриятлар ҳаётга татбиқ этилади, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, энг асосийси, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси амалда таъминланади.

Санжар ИСАҚУЛОВ,
Олий суд бўлими бошлиғи

Қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантиришда замонавий технологияларни жорий этишнинг ҳолати ва истиқболлари депутатлар эътиборида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Вазирнинг ахборотини эшитиб депутатлар таъкидладиларки, ўтган йиллар мобайнида вазирлик томонидан мазкур масала юзасидан бир қатор ташкилий ва амалий ишлар бажарилган. Хусусан, сув ресурсларидан самарали ва мукаммал фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, сақлаш ва истеъмолчиларга етказиб беришни ташкил этиш борасидаги вазифаларни ҳал қилишда сув хўжалигининг гидротехник ва бошқа муҳандислик иншоотларини, сув ресурсларини автоматик бошқариш каби тизимлардан кенг фойдаланилган.

Республика сув хўжалиги 180 минг километрлик суғориш тармоқларини, 160 мингта сув хўжалиги иншоотини, 800 та йирик иншоотни, йиллик электр энергияси сарфи 8 миллиард 200 миллион кВт соат бўлган 1496 та насос станциясини, 19 миллиард кубометрдан зиёдроқ ҳажмга эга бўлган 55 та сув омборини, 4124 та суғориш тик қудуғини ўз ичига олади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қарорни бажариш борасида 2013-2015 йиллар давомида 2575 километр узунликдаги коллектор тармоқлари реконструкция қилинди ва қурилди. 36 минг 957 километр узунликдаги очиқ ва 1 минг 564 километр ёпиқ горизонтал дренаж тармоқлари таъмирланди ва тикланди. "Ўзмелиомашлизинг" давлат лизинг компанияси орқали 477 дона замонавий мелиоратив техника ва механизмлар харид қилинди.

Шу билан бирга, 2013-2015 йилларда жами 890 километр узунликдаги каналларда, 193 километр лоток тармоқларида, 42 та гидротехник иншоотда, умумий қуввати 32,9 мк/с бўлган насос станцияларида, 323 миллион мк сиғимли сув омборларида қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ахборотида қайд этилдики, замонавий суғориш техника ва технологияларни жорий этиш борасида ўтган йиллар давомида республика бўйича 18,5 минг гектар майдонга томчилатиб суғориш тизими, 18,4 минг гектар ерга эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш тизими, 16,3 минг гектар майдонда эгатларга плёнка тўшаб суғориш усуллари жорий этилиб, улардан самарали фойдаланиб келинмоқда.

Депутатлар вазирликнинг мазкур соҳадаги фаолиятини амалга оширишда мавжуд имкониятлардан янада кенгроқ фойдаланиш, вазирлик тизимидаги мутасадди идораларнинг масъулиятини ошириш лозимлигини, давлат бюджети ҳисобидан ажратилаётган маблағлардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга эришиш, соҳага чет эл инвестицияларини кенгроқ жалб қилиш, шунингдек, мамлакатимизда сувни тежайдиган бошқа замонавий суғориш технологияларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган амалий ишларни янада кучайтириш, мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш зарурлигини қайд этишди.

Муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар инобатга олинган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ахборотини маълумот учун қабул қилди.

Парламент сўрови якунлари бўйича Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

манфаатлари – доимий ҳимояда

Шу ўринда амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 13 ва 14-моддаларига тўхталиш жоиз. Чунки текширувчилар кодекснинг ушбу моддалари талабларига риоя этмаган. Масалан, кодекснинг 13-моддасида "Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортиладилар" деб кўрсатилган.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 14-моддасида белгилаб қўйилганидек, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар тўғрисидаги низомда назарда тутилган чоралар қўлланилади.

Янада аниқ қилиб айтганда, мазкур шахсларга нисбатан ишлар Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи шаҳар, туман комиссиялари ихтиёрига берилиши мумкин.

Қонуннинг юқоридаги талабларига бежиз тўхталмаяпмиз. Ғайриҳуқуқий ҳаракат содир этган Бахриддин Эгамбердиев 2000 йил 11 январда туғилган, демак, ўн олти ёшга тўлмаган. Бундай ёшда у ғайриҳуқуқий ҳаракатлар содир этганлиги учун субъект ҳисобланмайди. Бўлим ходимлари томонидан қонуннинг ана шу жиҳати эътибордан четда қолган.

Бундан ташқари текширувчилар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 296-моддаси талабларига риоя этишмаган. Ушбу моддага кўра, вояга етмаган ёки ўзининг жисмоний нуқсонлари ёхуд руҳий касалликлари сабабли маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юзасидан ўз ҳуқуқини ўзи амалга оширолмайдиган маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ёки жабрланувчининг манфаатларини улар учун мазкур шахсларнинг қонуний вакиллари, жумладан, ота-оналари, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар ифодалашга ҳақли саналади.

Қонуний вакиллар иш материаллари билан танишишга, вояга етмаган номидан илтимослар қилишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақли. Аммо, ана шу қонун талабларига зид равишда, бўлим ходимлари, яъни текширувчилар Б.Эгамбердиевдан тушунтириш хати олишда ва тўпланган ҳужжатларни расмийлаштиришда унинг қонуний вакили — ота-онаси иштирокини таъминламаган. Улар тўпланган иш материаллари билан ҳам таништирилмаган.

Шунингдек, жавобгар томонидан Солиқ кодексининг 107, 108 ва 110-моддалари талаблари ҳам бузилган. Қисқача айтганда, мазкур кодекснинг 110-моддасида белгиланган ҳолатлар солиқ тўловчининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганликдаги айбини ва уни жавобгарликка тортишни истисно қиладиган ҳолатлар ҳисобланади.

Айтиш керакки, суд суд мажлисининг жойи ва вақти тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилган бўлишига қарамай, жавобгар узрсиз сабабларга кўра, суд мажлисига ўз вакилини юбормади. Даъвогар ишнинг жавобгар иштирокисиз кўрилишига эътироз билдирмагани учун суд ишни Фуқаролик-процессуал кодекснинг 224-моддасига биноан сиртдан кўриб чиқди.

Суднинг ҳал қилув қарори билан Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси Қашқадарё вилоят бўлими ходимлари томонидан ноқонуний равишда расмийлаштирилган далолатномалар ва қатъий белгиланган солиқнинг йиллик суммасини тўлаш тўғрисидаги талабнома бекор қилинди.

Жавобгардан даъвогар З.Салаевага 14 миллион 900 минг сўмлик гиламлар натура ҳолда ёки унинг сўмдаги қиймати шаклида, шунингдек, 5 миллион сўм маънавий зарар ундирилиши белгиланди. Бундан ташқари жавобгардан давлат фойдасига 3 миллион 98 минг 400 сўм давлат божи ундириладиган бўлди.

Шу тариқа якка тартибдаги тадбиркор З.Салаеванинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тўлиқ ҳимоя қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалда тўлиқ таъминлаш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўламини янада кенгайтириш, бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш имконини беради.

Сафар ТОҒАЕВ,
Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

E'tirof

Фарзандлар камоли – юрт истиқболи

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Давлатимиз хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий мавқеини юксалтириш борасида доимий ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Президентимизнинг Конституциямиз байрамидаги дастурий маърузасида бу фикр яна бир бор ўз исботини топди. Аёлини муқаддас билиб, уни эъзозлайдиган, қадрини юксак тутадиган шундай юрт фарзанди эканимдан бахтиёрман.

Президентимизнинг "Аёлларга шарқона эҳтиром ва эъзоз кўрсатиш — биз учун ота-боболаримиздан қолган ибратли мерос бўлиб, биз бундай анъаналаримизга доим содиқ бўлиб яшаймиз", деган сўзлари мамлакатимиздаги барча аёллар қатори мени ҳам беҳад қувонтирди, шу муқаддас юртнинг бир аёли — она сифатида қалбимни фахр-ифтихорга тўлдирди. Юртбошимизнинг бу гаплари кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди, ким, қайси вазифада ишламасин, янада самарали меҳнат қилишга руҳлантирди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан янги, 2016 йил юртимизда Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилинганидан бениҳоя қувондик. Чунки бу қадимдан ўз насл-насабининг тозалигига, авлодининг соғлом ва баркамол улғайишига катта эътибор қаратган халқимизнинг айни кўнглидаги гап бўлди.

Азалдан бобо-момоларимиз ўғил уйлантиришдан олдин бўлғуси келиннинг етти пуштини суриштирган. Наслнинг тозалиги, авлодининг соғлом ва баркамоллиги кўп жиҳатдан онанинг саломатлигига боғлиқ эканлигини теран ҳис этган. Асрлар давомида такомиллашиб, вақт синовидан ўтган бу миллий қадриятлар истиқлол туфайли яна қадр топди.

Бугун замонавий тиббий марказлар, таълим муассасалари, спорт иншоотлари ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда. Ўз навбатида, Оила йили, Аёллар йили, Соғлом авлод йили, Она ва бола йили, Сиҳат-саломатлик йили, Ёшлар йили, Баркамол авлод йили, Мустаҳкам оила йили, Соғлом бола йили муносабати билан қабул қилинган давлат дастурлари самарасида оилаларнинг иқтисодий ва маънавий асослари, оналар ва болалар саломатлиги янада мустаҳкамланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Соғлом она — соғлом бола" концепцияси асосида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш, ирсий касалликларнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган замонавий скрининг марказлари, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Репродуктив саломатлик маркази, уларнинг минтақавий филиалларида оналар ва чақалоқларга юқори малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Болалар спортининг ривожи соғлом авлодни тарбиялашнинг яна бир муҳим воситасига айланди. Барча ҳудудларда, хусусан, чекка қишлоқларда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида 2 миллиондан зиёд бола спортнинг 30 тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Бу жараёнга қизларни — бўлғуси оналарни жалб этишга, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу каби барча саъй-ҳаракатлар натижасида истиқлол йилларида мамлакатимизда 92 фоиз ўғил-қизнинг вазни ва бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади.

Шаҳарларимиздаги ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт шароитларига эга муносиб яшаш муҳити, қишлоқларимизда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар оилаларнинг турмуш шароитларини яхшиламоқда, аёлларнинг рўзғор юмушларини енгиллаштирмоқда. Натижада улар ўзига, соғлиғига, фарзандларига кўпроқ вақт ажратаётир. Бундай обод хонадонларда, замонавий шароитларда яшаётган болалар ҳам шунга яраша соғлом, кенг дунёқарашли бўлиб вояга етмоқда. Бундай кенг кўламли саъй-ҳаракатлар самараси фарзандларимизнинг саломатлигида, камолотида яққол намоён бўлмоқда.

Табиийки, соғлом авлодни тарбиялаш — узлуксиз жараён. Бу кенг миқёсдаги кўпдан-кўп вазифаларни бажаришни, ҳар бир инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятдан доимий эътибор ва масъулиятни талаб қилади. Бу борада, айниқса, соғлиқни сақлаш ва таълим-тарбия тизими, хотин-қизлар ва маҳалла идоралари алоҳида ўрин тутади. Бинобарин, ҳар бир жамият соғлом ва баркамол, Ватанига садоқатли, иймон-эътиқодли фарзандлари билан фахрланади, уларга суянади. Шундай фазилатларга эга авлодни тарбиялаб вояга етказган халқ келажакка катта ишонч билан қарайди.

Таълим тизими вакили — бошланғич синфлар муаллимаси бўлганим учун, кези келганда, шу соҳада эришилаётган беқиёс ютуқларимиз ҳақида ҳам тўхталгим келади.

Кўп йиллик педагоглик фаолиятимдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, ҳеч қачон ёшлар камолотига, ўқитувчи меҳнатига бугунгидек эътибор қаратилмаган. Янги қурилаётган таълим муассасалари ва уларда фарзандларимизнинг чет тилларни ўрганиши, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириши, спорт билан шуғулланишлари учун яратилаётган шароитлар ёки ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимидаги ўзгаришлар — буларнинг барчаси навқирон авлод вакилларига кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрлик намунасидир.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилгани муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг сифати халқаро талабларга тўлиқ жавоб беради. Юртимизда болаларни мактабга тайёрлаш бўйича ҳам самарали тизим йўлга қўйилган. Бунда жорий этилган дастурларда болаларнинг ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши каби омилларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бинобарин, бугун Ўзбекистон таълим тизимига бутун дунё катта қизиқиш билан қарамоқда. Ёшларимиз илм-фан чўққиларини ўзлаштириш баробарида, касб-ҳунар сирларини ҳам пухта эгаллашяпти. Мустақил ва янгича фикрлайдиган, замон талабига жавоб берадиган, Ватанимизнинг эртанги кунини, тақдирини ўз қўлига олишга қодир бўлган фарзандларимиз камол топмоқда. Шунинг ўзи эртанги кунимизнинг энг мустаҳкам пойдевори эмасми, дея ҳаммамизнинг кўнглимиздаги гапни айтдилар Юртбошимиз.

Бир сўз билан айтганда, бугун ҳаётнинг ўзи ёш авлод таълим-тарбияси борасида олдимизга янги-янги, ғоят долзарб вазифаларни қўяётганини барчамиз яхши англаймиз. Шундай экан, мамлакатимизда 2016 йилга Соғлом она ва бола йили деб ном берилиши давлатимиз раҳбарининг ёш авлодга — Ўзбекистон келажагига доимий юксак эътибор ва ғамхўрлигининг яна бир намунасидир.

Раҳима КАРАЕВА,
Тошкент шаҳридаги 307-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

G'aroyib olam

Дельфинларни уммонга қуюлувчи барча денгизларда учратиш мумкин. Олимлар уларнинг етмишдан ортиқ турини аниқлашган. Дельфинлар китсимонлар оиласига мансуб, йиртқичлар тоифасига кирса-да, одам билан доимо дўстона муносабатда бўлиб келган.

Биз билган ва билмаган дунё

ДЕЛЬФИНЛАРНИНГ ҒАРОЙИБ ҲАЁТИ

Дельфиннинг ўта мустаҳкам жағларида 80-100 та майда тишлари жойлашган, йирик дельфиннинг узунлиги тўрт метрдан ошади, оғирлиги 300 кило келади. Дельфин ҳаводан нафас олади, бироқ сувда энг тез сузадиган балиқ ҳисобланади — соатига 50 километргача йўл босиши мумкин. Табиий шароитда 50 йилгача умр кўради, бассейн ёки океанариумда 7 йилдан кўп яшамайди.

Туғилган боласини она дельфин 6 ой давомида сут билан боқади. Боласини ниҳоятда эҳтиётлаб, деярли ҳар доим дельфинлар тўдаси марказида ушлаб юради.

Дельфин умр бўйи танасининг бир хил ҳароратини тутиб тура олиш қувватига эга. Уммонда 260 метр чуқурликкача тушиб боради, баландликка сакраш бўйича эса, барча ҳайвонлар ўртасида ўзига хос чемпион ҳисобланади: баландликка — 5 метр, ёнламасига — 9 метргача сакрай олади.

Дельфин — моҳир овчидир. Ўта кучли ривожланган эхолокация кўмагида ва ўзидан чиқадиган ультратовушнинг қай тарзда тарқалиши ҳамда тўсиққа урилишига қараб ўлжасининг қайси манзилда эканини осон пайқайди. Бу улкан балиқда қулоқ деб аталмиш аъзонинг йўқлигига қарамай, эшитиш қобилияти зўрлиги учун ўз турдошлари билан маълум бир масофа оралиғида бемалол мулоқот қила олади. Ультратовушдан ташқари, ўрта частотали ҳуштак, майин тиқирлаш, скрипка куйига ўхшаш овозлар ҳам чиқарадики, бу дельфинларнинг чуқур сув тубидаги суҳбатини осонлаштиради.

Дельфин сув юзасига бир лаҳзага кўтарилиши баробарида 4-5 марта нафас олиб чиқаради. Нафас чиқариш жараёнида майда сув заррачаларини бўғзидан шу қадар кучли пуркайдики, ўзига хос фаввора ҳосил қилади. Асосий вақтини овга, ўйинга ва ҳароҳларига билан суҳбатга сарфлайди. Умуман олганда, у жуда ақлли ҳамда киришувчан жонзотдир. Ҳароҳи яралар ёки касал бўлганда ёрдамга шошади, сувга тушиб чўкаётган одамни қутқарган ҳолларини кўп кузатишган. Ҳатто қирғоқдан шамол туфайли узоқлашиб кетган кичик қайиқларни тумшуғи ёрдамида итариб келтириб берган вазиятлар ҳам бўлган.

Дельфин тўдаларида гарчи тўдабоши бўлмаса-да, улар гуруҳ бўлиб яшашни яхши кўришади. Одатда, гуруҳ майда балиқ тўдаларига ёппасига ҳужум қилади, қоринлари тўйгач, бирин-кетин сувдан ҳавога сакраб ўйин қилишади.

Денгизларда дельфиннинг оқбиқин, оқтумшуқ, кулранг турлари кўп учрайди. Оддий дельфин тури ҳамма денгизларда тарқалган. Гавдаси китга ўхшаган, ўта кучли, бўғзи ва ён тарафлари оқ бу балиқ жуда тез сузиши, ўткир тишлари тиғиз жойлашгани билан фарқланади.

Барча дельфинларнинг асосий душмани — косаткалардир.

Косатка дельфинга жуда ўхшайди, бироқ жуда улкан: гавдаси 10 метр, орқа сузгич қаноти қарийб 2 метрга етади. Бу йиртқичлар тўдаси денгиз қушлари, тюлень, морж ва дельфинларни овлайди. Ҳеч қандай махлуқ, ҳатто улкан кўк кит ҳам соатига 55 километр тезликда сузувчи бу кучли йиртқичга бас келолмайди. Косатканинг тишлари кўп бўлмаса-да, жуда катта, жағлари ўта мустаҳкамдир. Унинг оғирлиги 4 тонна келади. Пешонасида шарсимон аъзоси бўлиб, ёши улғайган сари катталашиб боради. Кундузи ухлайди, тунда эса 50-60 метр чуқурликка тушиб ов қилади.

Денгиз китсимонларга товушни нозик сезиш учун шароит яратади. Сувда улар қуруқликка нисбатан 5 маротаба аниқроқ эшитишади. Ҳар хил товушлар орқали улар озуқа, беҳаловатлик ёки қўрқув маъноларини ифода этишади. Масалан, фалокат ҳақида сигнал чалиб, қутқариш лозимлигини билдирса, дельфинлар бир гуруҳ бўлиб ёрдамга шошилишади ҳамда ҳамроҳини дарҳол сув юзига олиб чиқишади. Алоҳида жойлашган икки бассейндаги дельфинлар бир-бири билан бемалол мулоқот қила олади. Афалин деб аталувчи дельфин худди одамники сингари овоз беради.

Улар инсон пайқаши мумкин бўлмаган ўта паст частотали инфратовушларни ҳам осон илғашади. Сезги органлари ҳар қандай об-ҳаво шароитида, кучли тўлқин кўтарилганда, кечаси ва кундузи ҳам бир хилда ишлайди, сира панд бермайди.

Дельфинлар бир-бирига, болаларига, ота-онасига, марҳум дўстларига, кит ва одамларга ҳам меҳр-муҳаббатини умрбод сақлаб қоладиган ғаройиб ҳайвонот туридир.

Ота-она дельфинлар қариб кучдан қолса, худди болалари уларга инсонлардек ғамхўрлик кўрсатишади.

Балиқлар ичида фақат дельфингина одамзот тажовузидан омондир.

Дельфиннинг мияси жуда ривожланган, тузилиши мураккаблигига кўра инсоннинкидан қолишмайди. Уларнинг меҳрибончилиги, одамга дўстлиги ақл-идрокидан эмас, балки тарихий эволюция шаклланишидан ҳосил бўлган инстикт холос, деган қарашлар ҳам мавжуд.

Кучли сезгиси ёрдамида дельфин ҳатто лойқа сувда ҳам 15 метр наридаги тўсиқ, ўзига дўст ёки душман турганини савқи табиий англайди.

Дельфин ҳаёт тарзининг кўп жиҳати китларникига ўхшайди. Дельфин ҳам кит каби сувда болалайди. Дельфин боласи сув юзида пуфакдек тебраниб туради, тери остидаги қалин ёғ уни чўкишга қўймайди, онаси эса шу кездан уни қунт билан сузишга ўргата бошлайди. Боласи ютоқиб онасининг тумшуғига талпинади, онасининг тили қувурча шаклига келади ва ундан боласи оғзига сут сачрата бошлайди...

Чўкаётган одамни қутқарган дельфинлар ҳақида ҳикоялар кўп. Океанариумда уни буйруқни бажариш, ҳалқа орасидан сакраб ўтиш, копток ўйнаш, одам билан бирга сузишга ўргатишади. Лаборатория шароитида дельфинни сувга чўккан предметларни топиб олиб чиқишга кўниктирганлари маълум. Гоҳо сув тагидаги қимматбаҳо тошларни топишга ундаётган учарлар ҳам топилади. Цирк ўйинчиси сифатида афалин деган дельфин маймун ва итдан анча абжир келади. У ёнаётган ҳалқа орасидан ўтади, футбол ўйнайди, думига таяниб тик ҳолда юради, от устидаги чавандоз елкасига ўтириб сайр қилади, микрофон қошида куйлайди, қўнғироқ чалади ва ҳоказо.

Интернет материаллари асосида Оловиддин Собир ўғли тайёрлади.

Фарғона туманида яшовчи Саидумар Зарипов ва Мунаввар Зарипова (исм-шарифлар ўзгартирилди)ларнинг ичига чироқ ёқса, ёришмайди. Бунинг устига қариндош-уруғ ва маҳалла-кўйнинг олдида уларнинг боши эгилиб қолди.

Бу бежизга эмас, албатта. Чунки бу оиланинг икки қизи — Холида ва Дурдонага жиноий қилмишга қўл ургани туфайли суд томонидан қонуний жазо тайинланди. Яъни Холида 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди, Дурдонага эса, 3 йиллик синов муддати белгиланди. Опа-сингилнинг жиноий қилмишига Фарғона тумани тиббиёт бирлашмасининг туғуруқ бўлими бошлиғи Зубайда Аҳророва ҳам шерик бўлди.

Хўш, юқорида номлари қайд этилган бу кимсалар қандай жиноятга қўл уришди?

Айтиш керакки, беш нафар фарзанднинг онаси — Холида бир неча йиллардан буён таниши Шарифжон Бурҳонов билан шаръий никоҳ асосида турмуш қуриб, яшаб келаётганди. Нимадир бўлди-ю, ўтган йилнинг бошларида у қорнида оғриқ сезиб, шифохонага борди. Уни ультратовуш текширувидан ўтказган шифокор аёл ҳомиладор эканини айтди. Аммо бу хабар Х.Зариповани қувонтирмади.

Шундан сўнг у уйига келгач, сингли Дурдонадан маслаҳат сўради.

— Бешта болангиз етмайдими?! Шунинг учун бунисини туғманг. Борди-ю, туғсангиз, бирор бефарзанд кишига бериб юбораверасиз. Эвазига улар сизни қуруқ қўйишмайди, — деди Дурдона.

Синглисининг "доно" фикри туртки бўлдими, Холиданинг кўнглида туғилажак гўдакни сотиш нияти пайдо бўлди. Орадан кўп ўтмай синглиси Дурдона билан бирга Фарғона туман тиббиёт бирлашмаси туғуруқ бўлими бошлиғи Зубайда Аҳророва-га учрашишди.

— Бешта болам бор. Шунинг учун ҳақини берса, бунисини бирор кишига бериб юбормоқчиман. Албатта, сизни ҳам қуруқ қўймайман, — деди Холида.

— Тўғри ўйлабсиз, — деди З.Аҳророва. — Бир аёлга фарзанд керак. Болани унга расмийлаштириб берамиз. Мен хизмат ҳақимни кейинроқ айтаман...

Қисқаси, вақти-соати етиб, Холиданинг кўзи ёриди, қўчқордек ўғил кўрди. Эртаси куни у ётган хонага Зубайда кириб келди.

— Энди Чимёндаги 2-сонли шифохонада даволаниб турасиз. Одамлар сўраса, "Болам ўлик туғилди" деб айтинг.

З.Аҳророва унинг боласини Одина Мадаминовага фарзандликка бериб, расмийлаштиришни режалаштириб қўйганди. Чунки Зубайда унга бирор гўдакни фарзандликка олиб беришни ваъда қилганди. Шунинг учун З.Аҳророванинг кўрсатмасига биноан "Тез тиббий ёрдам" машинаси Холидани Чимёндаги шифохонага элтиб қўйди.

Орадан икки кун ўтиб, Зубайда Чимёндаги шифохонага — Холиданинг олдига келди.

— Болангиз масаласини ҳал қиламиз. Ҳозир марказий шифохонамизда текшириш бўляпти. Шу боис шу ерда ётиб турасиз, эртага паспортингиз билан етиб боринг, — дея тайинлади.

Эртаси куни келишилганидек, Холида туман марказий шифохонасига борди. Буни қарангки, айни шу пайтда унинг синглиси Дурдона ҳам шифохонага келиб, бошқа бир бадавлат хонадондан харидор топганлигини айтди. Шундан сўнг опа-сингил З. Аҳроровага болани сотмасликларини айтиб, уни қайтиб беришини талаб қилишди.

Буёғини сўрасангиз, Холида Чимёндаги шифохонада ётган пайтда Дурдона таниши Маҳлиё Зияевадан янги туғилган жиянига харидор топиб беришни илтимос қилганди.

Jinoyatga jazo muqarrar

Нопок ният

қонуний жазога сабаб бўлди

Бироқ М.Зияева она ўз жигарбандини сотишини ақлига сиғдиролмади. Шу сабабли у ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ариза билан мурожаат этди. Натижада опа-сингил Зариповалар шифохона ҳовлисида "махсус харидор" — Нозима Қобиловадан 1800 АҚШ доллари олаётган пайтда, Зубайда Аҳророва эса, Дурдонадан 400 АҚШ долларини олаётган чоғда тегишли идора ходимлари томонидан ушланди.

Албатта, суд томонидан судланувчиларнинг ҳар бирига қилмишига яраша қонуний жазо тайинланди. Аммо юқорида баён этилган воқеалар кишини ўйлашга, фикр-мулоҳаза юритишга ундайди.

Масалан, Холида Зарипова эндигина 35 ёшга кирган бўлса-да, шу пайтга қадар уч марта суднинг қора курсисида ўтирди. Дастлаб 2001 йил февраль ойида ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда вояга етмаган шахсга нисбатан одам ўғирлаш жиноятини содир этгани боис 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Фақат амнистия актига мувофиқ, муддатидан илгари жазодан озод қилинди. Шундан сўнг орадан кўп ўтмай, у Жиноят кодексининг 127-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш ва 166-моддаси икинчи қисми "б", "в" бандларида қайд қилинган қилмиш — бир гуруҳ ҳамтовоқлари билан олдиндан тил бириктириб, анча миқдорда талончилик жиноятига қўл урди. Бу жиноят иши эса, амнистия актига асосан ҳаракатдан тугатилди. Лекин икки йиллик "танаффус"дан сўнг фирибгарлик ва ҳужжатларни сохталаштириш жиноятлари учун жарима жазосига тортилиб, яна бир карра амнистия туфайли жазодан муддатидан олдин озод этилди. Бироқ...

Бироқ у ўзига берилган имкониятлардан тегишли хулоса чиқармади, ҳаётда ҳалол меҳнати билан яшашни ўйлаб кўрмади.

Энг ёмони, у тўртинчи марта янада мудҳишроқ жиноятга қўл урди. Яъни у она деган муқаддас номга доғ туширди.

Шу боис туман прокуратураси томонидан судга Х.Зариповани оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво аризаси киритилди.

Хулоса ўрнида айтганда, нопок йўллар билан қўлга киритилган бойлик эгасига ҳеч қачон буюрмаслиги, аксинча, содир этилган жиноий қилмиш эртами-кечми ошкор бўлиши ҳаётда ҳамиша ўз исботини топган.

Аслида инсон учун пешона тери тўкиб, ҳалол меҳнат қилиш, оиласида фарзандларининг меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўлиб яшаш, уларнинг камолини кўришдан ортиқ бахт йўқ.

Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Турғунали МИРЗАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Фарғона тумани судининг раиси
Хуршид СУЛТОНОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шоюнус ГАЗИЕВ
Светлана АРТИКОВА
Кўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@oliysud.uz
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-1222. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6553.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22⁰⁰